ФИЛФАКА САГУ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

7-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 73 (1593)
12 АПРЕЛЬ
СЕШАНБА
1960 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

*Яшасин Ленин тузган шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси—Совет халқининг коммунизм қуриш учун курашдаги буюк илҳомбахш ва раҳбар кучи!*

*Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари, олға!*

## 1960 йил 1 Май муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг

# ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни, барча мамлакат ишчиларининг қардошлик куни — 1 Май!

2. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

3. Яшасин барча мамлакатлар меҳнаткашларининг жанговар бирдамлиги — тинчлик, демократия ва социализм иши енгилмаслигининг гарови!

Пролетар интернационализми байроғини баланд кўтарингиз!

4. Яшасин халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик!

5. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Бутун кучни партия XXI съездининг жаҳоншумул тарихий қарорларини, коммунистик қурилишнинг улуғ вазифаларини бажаришга қаратингиз!

6. Миллий мустақиллик учун, тинчлик, демократия ва социализм учун курашаётган ҳамма халқларга қардошлик саломи!

7. Барча мамлакатларнинг коммунистик ва ишчи партияларига — ишчилар синфининг ва барча меҳнаткашларнинг жанговар авангардига алангали салом!

Яшасин коммунистик ва ишчи партияларининг бузилмас, қардошлик бирлиги ва жипслиги!

8. Яшасин бутун дунё меҳнаткашларининг қудратли ғоявий қуроли — ғолиб марксизм-ленинизм таълимоти!

9. Барча мамлакатларнинг халқлари! Тинчлик — ҳаётнинг ўзидир. Уруш оловини ёқувчи империалистларни қатъий фош қилингиз! Тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун, жамият ҳаётидан урушларни абадий чиқариб ташлаш учун курашингиз!

10. Жаҳон халқлари! Совет Иттифоқининг ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисидаги таклифлари инсониятга уруш кулфатларидан ва қуролланиш юкидан қутулиш йўлини очиб беради. Ёппасига ва батамом қуролсизланиш улуғ идеясини амалга ошириш учун курашингиз!

11. Барча мамлакатларнинг халқлари! «Совуқ уруш»нинг батамом тугатилишига ва халқаро кескинликнинг янада юмшатилишига эришингиз!

Атом ва водород қуролининг ҳамма синовларини тўхтатиш ва бу қуролни тақиқлаш учун курашингиз!

Германия билан тез вақтда сулҳ шартномаси тузишни ва Ғарбий Берлиндаги оккупация режимини тугатишни талаб қилингиз!

12. Яшасин тинчлик ва халқлар хавфсизлигининг мустаҳкам таянчи — жаҳон социализм системаси! Социалистик лагерь мамлакатлари халқларининг улуғ ҳамкорлиги мустаҳкамлансин ва яшнасин!

13. Социализм қураётган улуғ Хитой халқига қардошлик саломи! Яшасин бутун дунёда тинчликнинг қудратли таянчи бўлган совет ва хитой халқларининг абадий, бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги!

14. Социализм қураётган Албания Халқ Республикасининг меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва албан халқларининг абадий, бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги!

15. Социализм қураётган Болгария Халқ Республикасининг меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва болгар халқларининг абадий, бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги!

16. Социализм қураётган Венгрия Халқ Республикасининг меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва венгер халқларининг абадий, бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги!

17. Социализм қураётган, ўз мамлакатини демократик асосларда тинч йўл билан бирлаштириш учун курашаётган Вьетнам Демократик Республикасининг меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва вьетнам халқларининг абадий, бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги!

18. Яшасин бутун Германиядаги прогрессив кучларнинг тинчлик учун, бирлашган демократик ва тинчликсевар Германия учун курашдаги таянчи — Германия Демократик Республикаси! Социализм қураётган Германия Демократик Республикасининг меҳнаткашларига қардошлик саломи! Совет ва герман халқларининг дўстлиги мустаҳкамлансин!

19. Социализм қураётган, ўз мамлакатини демократик асосларда тинч йўл билан бирлаштириш учун курашаётган Корея Халқ-Демократик Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва корейс халқларининг абадий, бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги!

20. Социализм қураётган Мўғулистон Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва мўғул халқларининг абадий, бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги!

21. Социализм қураётган Польша Халқ Республикасининг меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва поляк халқларининг абадий, бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги!

22. Социализм қураётган Руминия Халқ Республикасининг меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва румин халқларининг абадий, бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги!

23. Социализм қураётган Чехословакия Республикасининг меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва чехословак халқларининг абадий, бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги!

24. Югославия Федератив Халқ Республикасининг меҳнаткашларига қардошлик саломи! Совет ва югослав халқларининг дўстлиги тинчлик ва социализм учун кураш манфаатлари йўлида ўссин ва мустаҳкамлансин!

25. Улуғ ҳинд халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги мустаҳкамлансин!

26. Улуғ индонез халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи ва Индонезия халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги мустаҳкамлансин!

27. Тинчлик ва ўз мамлакатларининг миллий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашаётган Бирма, Цейлон, Камбоджа халқларига қизғин салом!

28. Афғон халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи ва Афғонистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик муносабатлари мустаҳкамлансин ва ривожлансин!

29. Империалистларнинг кирдикорларига қарши, мустамлакачиликни батамом тугатиш учун, ўз мамлакатларининг мустақиллигини ва суверенитетини мустаҳкамлаш учун, миллий экономикани ривожлантириш учун курашаётган араб мамлакатларининг халқларига қизғин салом!

30. Мустамлакачиликка қарши ўз озодлиги ва миллий мустақиллиги учун курашаётган Африка халқларига қизғин салом! Мустамлака ва қарам мамлакатларнинг барча мазлум халқларига эркинлик!

31. Империализмга қарши, ўз мамлакатларининг мустақиллигини ва суверенитетини мустаҳкамлаш учун, халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамкорлик учун курашаётган Латин Америкаси халқларига қизғин салом!

32. Яшасин Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатлари халқлари ўртасида бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш, бутун инсониятнинг хавфсизлиги ва фароғати манфаатлари йўлида ривожланиб бораётган дўстлик муносабатлари!

33. Яшасин Совет Иттифоқи ва Англия халқларининг бутун дунёда тинчлик манфаатлари йўлидаги дўстлиги ва ҳамкорлиги!

34. Яшасин Совет Иттифоқи ва Франция халқларининг бутун дунёда тинчлик манфаатлари йўлидаги дўстлиги ва ҳамкорлиги!

35. Германия Федератив Республикасининг милитаризм ва фашизмнинг тикланишига қарши курашаётган меҳнаткашларига ва барча прогрессив кучларига қизғин салом! Совет ва герман халқларининг дўстлиги мустаҳкамлансин!

36. Совет Иттифоқи ва Италия халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ривожлансин ва мустаҳкамлансин!

37. Яшасин Совет Иттифоқи ва Финляндия Республикаси халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги!

38. Совет ҳалқи билан Швеция, Норвегия, Дания, Исландия халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ривожлансин ва мустаҳкамлансин!

39. Яшасин Совет Иттифоқи ва Австрия халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги!

40. Милитаризмнинг тикланишига қарши, ўз мамлакатининг мустақил ва демократик ривожланиши учун курашаётган япон халқига қизғин салом!

41. Яшасин Совет Иттифоқининг ленинча ташқи сиёсати — ижтимоий тузумлари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши сиёсати, тинчликни ва халқлар хавфсизлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, халқларнинг эркинлиги ва мустақиллигини ҳурматлаш, барча мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантириш сиёсати!

42. Яшасин ғалабалар билан шуҳрат қозонган, тинчликни, Ватанимизнинг давлат манфаатларини ва хавфсизлигини хушёрлик билан қўриқлаётган шавкатли Совет Қуролли Кучлари!

43. Яшасин совет тузумининг мустаҳкам ва бузилмас негизи бўлган ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонларнинг бузилмас иттифоқи!

44. Яшасин ва яшнасин кўп миллатли социалистик давлатимизнинг куч ва қудрат манбаи бўлган СССР халқларининг қардошларча дўстлиги!

45. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Етти йиллик планни тўла ва ошириб бажарайлик! Мамлакатимиз экономикаси, маданиятининг ва халқлари фаровонлигининг янада зўр куч билан юксалишига, социалистик Ватан қудратининг янада мустаҳкамланишига эришайлик! Коммунистик қурилишда янги ғалабалар сари, олға!

46. Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари! Капитализм билан тинч мусобақада тарихан энг қисқа муддат ичида ғалабага эришайлик! Аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш жиҳатидан Америка Қўшма Штатларига етиб олайлик ва ўзиб кетайлик!

47. Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари! Социалистик мажбуриятларни бажариш — ҳар бир коллективнинг шарафли ишидир! Етти йилликнинг иккинчи йили — 1960 йил халқ хўжалик планини муддатидан олдин тўла ва ошириб бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасини янада кенг авж олдирайлик!

48. Коммунизм қурувчиларнинг биринчи сафларида бораётган ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларига, коммунистик меҳнат зарбдорлари ва коллективларига шон-шарафлар бўлсин!

49. Саноат, қурилиш ва транспорт ходимлари! Илғорлар тажрибасини ва янги техникани, комплекс механизацияни ва автоматлаштиришни ишлаб чиқаришга кенг жорий қилингиз, техникани янада тараққий эттириш учун, меҳнат унумдорлигини тўхтовсиз ошириш учун зўр бериб курашингиз!

50. Ишчилар, инженерлар, техниклар ва мастерлар! Ишлаб чиқаришнинг ташкил этилишини бутун чоралар билан яхшилангиз, корхоналар ва қурилишларнинг бир меёрда ишлашини таъминлангиз, социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамлангиз! Иқтисодий тежаш учун курашингиз, маҳсулот сифатини яхшилангиз ва унинг таннархини камайтирингиз!

51. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Қисқартирилган иш кунига ўтиш — жаҳонда энг қисқа иш кунини СССРда амалга ошириш йўлидаги муҳим босқичдир. Меҳнат активлигини ва социалистик меҳнат интизомини янада юқори кўтарайлик!

52. Саноат, қурилиш ва транспорт ходимлари! Ишлаб чиқариш қувватларидан ва халқ хўжалигининг резервларидан яхшироқ фойдаланингиз! Электр энергиясини, металл ва ёқилғини тежаш учун курашингиз! Рационализаторлар ва ихтирочиларнинг оммавий ҳаракатини ривожлантирингиз!

53. Оғир саноат — халқ хўжалигини янада юксалтиришнинг, халқ фаровонлигини оширишнинг ва Ватанимиз мудофаа қувватини мустаҳкамлашнинг негизидир. Оғир индустрия ходимларига шон-шарафлар бўлсин!

54. Совет металлурглари! Ишлаб чиқариш техникасини ва технологиясини такомиллаштирингиз! Янги руда конларини ўзлаштириш суръатларини оширингиз! Халқ хўжалигига руда, чўян, пўлат, прокат, трубалар, рангли ва нодир металларни кўпроқ берингиз!

55. Совет энергетиклари, электростанциялар ва электр шохобчаларининг қурувчилари ва монтажчилари! Янги энергетика қувватларини тезроқ ишга туширингиз ва ўзлаштирингиз, энергия системаларини қуриш ва улардан фойдаланиш қимматини камайтирингиз! Мамлакатга кўпроқ электр энергияси берайлик!

56. Машинасозлик ходимлари! Иш унуми юксак бўлган ва тежамли энг янги машиналарни, асбоблар ва ускуналарни ишлаб чиқаришни тезроқ ўзлаштирингиз! Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини техника билан қайта қуроллантириш учун, ишлаб чиқаришни кенг равишда автоматлаштириш учун зўр бериб курашингиз!

57. Нефть ва газ саноатининг ходимлари! Нефть ва газ чиқадиган янги конларни қидириш ва ўзлаштириш ҳамда нефть ва газ чиқариш суръатларини оширингиз! Нефть маҳсулотларини қайта ишловчи заводларнинг қувватини кўпайтира берингиз, нефть маҳсулотларининг сифатини оширингиз! Мамлакатга кўпроқ нефть ва газ берайлик!

58. Кўмир саноати ходимлари! Комплекс механизациялашни ва кўмир чиқаришнинг самарали усулларини кенг жорий қилингиз! Меҳнат унумдорлигини оширингиз, кўмирнинг таннархини камайтирингиз ва сифатини яхшилангиз!

59. Кимё саноати ходимлари! Янги қувватларни тезроқ ишга туширингиз, кимё маҳсулотларининг хилларини кўпайтирингиз! Халқ истеъмол қиладиган яхши сифатли арзон молларни кўпроқ тайёрлангиз! Қишлоқ хўжалиги учун кўпроқ минерал ўғитлар берингиз!

60. Совет бинокорлари! Янги корхоналар, уй-жой бинолари, мактаблар, касалхоналар, болалар муассасалари қуриш суръатларини тезлаштирингиз ва сифатини яхшилангиз! Қурилишнинг индустриал методларини кенг жорий қилингиз! Яхши сифатли, кўркам, арзон қилиб қурингиз!

61. Бинокорлик материаллари саноатининг ходимлари! Бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз, сифатини яхшилангиз! Етти йиллик қурилишлари учун кўпроқ цемент, йиғма конструкциялар ва деталлар берингиз!

62. Ўрмон, ёғочсозлик ва қоғоз саноатининг ходимлари! Мамлакатга юқори сифатли ёғоч, мебель, целлюлоза ва қоғозни кўпроқ берайлик!

63. Енгил саноат ходимлари! Совет кишиларига яхши сифатли ва чиройли газламаларни, яхши кийим-кечакларни, пишиқ ва нафис пойафзалларни ҳамда халқ истеъмол қиладиган бошқа молларни кўпроқ берайлик!

64. Озиқ-овқат саноати ходимлари! Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан кўпайтирингиз ва уларнинг ассортиментини кенгайтирингиз, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини яхшилангиз!

65. Балиқ саноати ходимлари! Балиқ овлашни кўпайтирингиз, очиқ денгизларда, океанларда ва ҳовуз, кўлларда балиқ овини ривожлантирингиз!

66. Совет транспорти ходимлари! Юкларни тўхтовсиз ташиб беришни таъминлангиз! Пассажирларга хизмат кўрсатишни яхшилангиз! Транспортни техника жиҳатидан реконструкциялашни тезроқ амалга ошириш учун, кенг миқёсда механизациялаш ва автоматлаш учун курашингиз!

67. Алоқа ходимлари! Алоқа воситаларини тинмай ривожлантирингиз ва такомиллаштирингиз! Почта, телеграф, телефон, радио, телевидениенинг пухта ишлашига эришингиз! Аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилангиз!

68. Маҳаллий саноат ва кооператив саноати ходимлари! Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз, маҳсулотнинг сифатини яхшилангиз ва таннархини камайтирингиз! Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни бутун чоралар билан яхшилангиз!

69. Колхозчилар, совхоз ва РТС ходимлари, қишлоқ хўжалиги мутахассислари! Ватанга дон, гўшт, сут, жун, тухум, пахта, зиғир, қанд лавлаги, картошка, сабзавот, мева, чой ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпроқ берайлик!

70. Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари! Жамоат чорвачилигини бутун чоралар билан ривожлантирингиз, мустаҳкам озуқа базасини вужудга келтирингиз, чорва молларнинг маҳсулдорлигини оширингиз, наслдорлик ишини яхшилангиз! Илғорларга тенглашингиз, уларнинг тажрибаларини қўлланингиз! Аҳоли жон бошига чорва маҳсулотлари етиштириш соҳасида Америка Қўшма Штатларидан ўзиб кетайлик!

71. Колхозчилар! Жамоат хўжалигини бутун чоралар билан ривожлантирингиз, колхоз бойлигининг негизи бўлган бўлинмас фондларни кўпайтирингиз! Колхозлараро ишлаб чиқариш алоқаларини кенгайтирингиз!

72. Колхозчилар ва қишлоқ механизаторлари! Деҳқончиликда ва чорвачиликда комплекс механизацияни кенг жорий қилингиз, техникани эгаллангиз ва меҳнат унумдорлигини ошириш ва ўз меҳнатингизни енгиллаштириш учун техникадан яхшироқ фойдаланингиз!

73. Совхоз ходимлари! Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтирингиз ва уларнинг таннархини камайтирингиз! Мамлакатнинг ҳамма совхозларини намунали ва юксак рентабелли корхоналарга айлантирайлик!

74. Қўриқ ерлардаги меҳнаткашлар! Эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлангиз ва кўпайтирингиз! Деҳқончилик маданиятини оширингиз, муттасил ва юқори ҳосил олинишига эришингиз! Жамоат чорвачилигини бутун чоралар билан ривожлантирингиз!

75. Колхозчилар, совхоз ходимлари ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари! Фан ва техниканинг ютуқларини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига дадил жорий қилингиз! Маҳсулот таннархини камайтиришга сабот билан эришингиз!

76. Совет савдоси ва умумий овқатланиш ходимлари! Аҳолига хизмат кўрсатишнинг юксак маданияти учун курашингиз, меҳнаткашларнинг эҳтиёжларини яхшироқ ўрганингиз ва уларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўла қондирингиз!

77. Совет хизматчилари! Совет аппаратининг ишини такомиллаштирингиз! Меҳнаткашларнинг эҳтиёжларига ва талабларига эътибор билан қарангиз!

78. Фан ва олий мактаб ходимлари! Фанни янада яшнатиш учун, техникани тараққий эттириш учун курашингиз! Ишлаб чиқариш билан маҳкам алоқа боғлангиз! Коммунизм даврига муносиб мутахассисларни тайёрлангиз!

Яшасин илғор совет фани!

79. Яшасин космик фазони бўйсундириш даврини очиб берган совет олимлари, инженерлари, техниклари, ишчилари!

80. Адабиёт ва санъат ходимлари! Ўз асарларингизда совет кишиси қаҳрамонона ишларининг улуғворлиги ва гўзаллигини ёрқин акс эттирингиз! Асарларнинг юксак ғоявийлиги ва бадиий маҳорати учун курашингиз! Адабиёт ва санъатнинг халқ ҳаёти билан, ҳозирги замон билан маҳкам, чамбарчас боғланиши учун курашингиз!

81. Матбуот, радио ва телевидение, нашриёт ва маданий-оқартув муассасаларининг ходимлари! Ҳамиша ғолиб коммунистик идеяларни, илғор тажрибани, инсоният тўплаган маънавий бойликларни омма орасига ҳормай-толмай ёйингиз!

82. Халқ маорифи ходимлари! Болаларни ўқитиш сифатини яхшилангиз, мактабнинг турмуш билан, ишлаб чиқариш билан маҳкам боғланиши учун курашингиз! Ёш бўғинни коллективизм, меҳнатга муҳаббат руҳида, Ватанга, коммунизм ишига садоқат руҳида тарбиялангиз!

83. Медицина ходимлари! Халқ соғлиғини сақлаш ишларини яхшилангиз ва ривожлантирингиз даволаш ва санитария муассасалари ишидаги маданиятни оширингиз! Медицина фанининг энг янги муваффақиятларини амалда жорий қилингиз!

84. Яшасин мамлакатимизда чинакам халқ ҳокимияти органлари бўлган меҳнаткашлар депутатлари Советлари!

85. Совет касаба союзлари! Ишчилар синфининг ва интеллигенциянинг ижодий ташаббусини ва активлигини бутун чоралар билан ривожлантирингиз! Ишчи ва хизматчиларнинг моддий фаровонлигини ва маданий савиясини янада юксалтириш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилингиз! Меҳнаткашларнинг бутун куч-ғайратини етти йиллик планни бажаришга сафарбар қилингиз!

86. Яшасин коммунистик жамиятнинг актив қурувчилари—Совет хотин-қизлари!

87. Яшасин Коммунистик партиянинг содиқ ёрдамчиси ва резерви, коммунизм қурувчи ёшларнинг илғор отряди — Ленин комсомоли!

88. Коммунистлар ва комсомоллар! КПСС XXI съездининг қарорларини бажариш учун, СССРда коммунизм қуриш учун умумхалқ курашининг олдинги сафларида бўлингиз!

89. Комсомоллар, совет ёшлари! Коммунистларча яшаш ва ишлашни ўрганингиз! Ўзингизда юксак маънавий фазилатларни ўстирингиз! Коммунизмнинг онгли ва толмас қурувчилари бўлингиз!

90. Пионерлар ва мактаб ўқувчилари! Билимларни ва меҳнат малакаларини сабот ва қунт билан эгаллангиз! Лениннинг улуғ иши учун актив курашчилар бўлишга тайёрланингиз!

91. Яшасин коммунизм қураётган улуғ совет халқи!

92. Социалистик тузум куч-қудратининг манбаи, коммунизм қурилишида янги муваффақиятларнинг гарови бўлган Коммунистик партия билан совет халқининг бузилмас бирлиги яшасин ва мустаҳкамлансин!

93. Яшасин мамлакатимиз халқлари дўстлигининг қалъаси, тинчлик, демократия ва социализмнинг мустаҳкам таянчи — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

94. Яшасин жонажон Совет ҳукуматимиз!

95. Яшасин Ленин тузган шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси — Совет халқининг коммунизм қуриш учун курашдаги буюк илҳомбахш ва раҳбар кучи!

96. Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари, олға!

97. Яшасин бутун инсониятнинг порлоқ истиқболи — коммунизм!

*Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети*

